

Танловга: Муҳаммад алайҳис салом насабларининг покликда мукамаллиги

15:31 / 19.04.2017 3104

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: “Пайғамбар алайҳиссалом: **“Мен жоҳилият бузуқлигининг ҳеч бирида туғилмаганман, фақат ислом никоҳи билан туғилганман”** деб айтдилар”.

Ҳишом ибн Муҳаммад ал-Калбий оталаридан ривоят қиладилар: “Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг 500 та оналарини ёзиб чиқдим. Уларнинг орасида бирор зинокорни ҳам, жоҳилият ишларидан бўлган бирор нарса ҳам кўрмадим”.

Алий каррамаллоҳу ваҳҳаҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом: “Мен никоҳдан дунёга келганман, зинодан эмас. Одам алайҳиссаломдан бошлаб то ота-онамдан туғилгунимга қадар жоҳилият аҳлининг бузуқликларидан бирортаси менга етмаган”, деб айтдилар”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумадан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом “Ота-онам ҳеч қачон зино қилмаганлар. Аллоҳ таоло мени пок сулблардан (яъни ота-боболаримнинг сулбларидан) покиза раҳмларга (яъни она-момоларимнинг раҳмларига) кўчириб келди. Улар икки шохобчага бўлинган, мен уларнинг энг яхшисидаман”, деб айтдилар”.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

“نم لوسر مڪءاج دول مڪسفنأ (Лақод жаа ақум мин анфусиқум) ни қироъат қилиб, (Анфусиқум) нинг **“фо”**сини фатҳали **مڪسفنأ** (яъни, Анфасақум) қилиб ўқидилар-да, “Мен сизларнинг ичингизда насабда, қариндош-уруғчиликда ҳамда аслзодалиқда энг намуналигингизман. Одам алайҳиссаломдан бери бўлган ота-боболарим ичида бирорта зино бўлмаган”, деб айтдилар”.

Мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳо Пайғамбар алайҳиссаломдан, у зот Жаброил алайҳиссаломдан ривоят қиладилар: “Ер юзининг машриқу мағрибини кўриб чиқдим. Лекин Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламдан афзалроқ кишини ҳамда Ҳошим уруғидан афзалроқ ота уруғини кўрмадим”, дедилар”[\[1\]](#).

“Саҳиҳул Бухорий”да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом: “Мен Одам алайҳиссалом зурриётларининг энг яхши наслидан пайғамбар қилиб юборилдим. Бу ҳолат то ҳозирги наслидан бўлгунимга қадар наслма-насл давом этган”, дедилар”.

“Саҳиҳул Муслим”да Восил ибн Асқоъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом: “Аллоҳ таоло Исмоил зурриётидан Кинонани танлади. Кинонадан Қурайшни, Қурайшдан эса Бану Ҳошимни, Бану Ҳошимдан мени танлаб олди”, дедилар”.

Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом “Аллоҳ таоло махлуқотларни яратиб, мени бутун фирқаларнинг ҳам энг яхшиси, икки фирқанинг ҳам энг яхшиси қилди. Сўнгра қабилаларни ихтиёр қилди. Мени энг яхши қабиладан қилди. Сўнгра оилани ихтиёр қилди. Ва мени ана шу оилаларнинг энг яхшисидан қилди. Мен уларнинг ҳам нафси (яъни жони, зоти) жиҳатидан ҳам оила жиҳатидан энг яхшисиман”, дедилар”.[\[2\]](#)

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло махлуқот яратишни ирода қилиб, улар орасидан Одам зурриётини танлади. Сўнгра Одам зурриёти орасидан арабларни танлади. Сўнгра ана шу араблардан мени танлади. Кейин мен уларнинг яхшиларидан сараланиб келганман. Ким арабларни яхши кўрса, албатта мен яхши кўрганим учун яхши кўради. Ким уларни ёмон кўрса, мен ёмон кўрганим учун ёмон кўради”, дедилар”.

Шуни билишимиз лозимки, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ака-ука ёки опа-сингиллари бўлган эмас. Бунинг боиси, ота-оналарининг софлиги, яхшилиги фақат у зотгагина ўтмоғи ҳамда ота-оналарининг насаблари ҳам ёлғиз ўзлари билан чекланмоғи учундир. Токи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло пайғамбарликка хос, энг юқори шарафга мос қилиб танлаган насабга хослансинлар. Агар сиз Пайғамбар алайҳиссаломнинг насабларининг ҳолатини ўргансангиз, нақадар пок ҳолатда туғилганларини билсангиз, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олийжаноб оталар сулоласидан эканларига ишончингиз комил бўлади. Пайғамбар алайҳиссалом араб миллатига мансуб бўлиб, абтоҳлик [\[3\]](#), ҳарамлик[\[4\]](#), ҳошимийлик[\[5\]](#) ва қурайшийликдирлар[\[6\]](#).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- 1. Арабларнинг энг яхшиларидан танлангани.

- 2. Насабда энг тозаси.
- 3. Аслзодаликда энг шарафлиси.
- 4. Дарахти энг гуллагани.
- 5. Устуни энг баланди.
- 6. Зоти жиҳатидан энг покизаси.
- 7. Ўзаги ва илдизи энг бақуввати.
- 8. Тили энг фасоҳатлиси.
- 9. Баёни энг равшанроғи.
- 10. Тарозида энг оғир келадигани.
- 11. Иймони энг тўғриси.
- 12. Битта одам эътиборидан бўладими ёки жамоа эътиборидан бўлсин ота-она тарафидан энг азизи ва энг мукаррами ҳисобланганлар.

Шунингдек, у зот Аллоҳ таолога энг азиз ўлка Маккада бўлганлар.

Бу ҳақида ҳофиз, муҳаддис Шамсиддин ибн Носириддин Димашқий нақадар гўзал сўзлар айтган:

Муҳаммад ҳурматидан сақлади Аллоҳ улуғ ота-боболарини,

Зинони тарк қилдилар, муҳофаза қилиб Ул зот шарафини

Одам алайҳис саломдан ота-оналаригача етмади шармандалик.

“Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ал-инсон ал-комил” (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам комил инсон) китобидан **Ғиёсиддин Ҳабибуллоҳ** таржимаси.

[1] Байҳақий, Табароний “ал-Авсат”да ва Ибн Асокир ривоят қилганлар.

[3] Макка билан Мино орасидаги сел оқадиган кенг жой. Макканинг шарқий томонида.

[4] Маккайи мукаррама.

[5] Яъни Ҳошимий уруғидан.

[6] Яъни Қурайш қабиласидан.